

НАФС ФИТРАТИ

Зойир Юсупович Яллақоев

Термиз давлат университети ўқитувчиси.

Термиз, Ўзбекистон.

zoyiryallaqayev@gmail.com Тел: +998 (99) 671-48-40

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11002427>

Аннотация. Ушбу мақолада нафснинг табиатидаги туғма фитратий хулқлари ҳақида баҳс юритилган. Ушбу хулқларнинг мумтоз шеърятимизда образли тарзда акс этиши Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида мисолида тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: нафс, ҳаво, фитрат, шаҳват, гафлат, ширк, кибр.

THE NATURE OF LUST

Abstract. This article discusses the innate instincts in the nature of the soul. The figurative reflection of these characteristics in our classical poetry is studied in the example of Ahmed Yassavi's hikmats.

Key words: nafs, air, nature, lust, carelessness, polytheism, pride.

ПРИРОДА ПОХОТИ

Аннотация. В данной статье рассматриваются врожденные инстинкты в природе души. Образное отражение этих характеристик в нашей классической поэзии исследуется на примере хикматов Ахмеда Яссави.


Ключевые слова: нафс, воздух, природа, похоть, беспечность, многобожие, гордыня.

Нафсшунослик назариясида Ҳаким Термизий (820-932) биринчилардан бўлиб инсон фитратини иккига: *раббоний ва нафсоний* фитратга бўлиб ўрганган. Олим ўзининг “Риёзатун нафс” асарида нафснинг фитрати-таркибини етти хусусиятдан ташкил топганлигини эътироф этади: “Инсонда табиатан, туғма етти хулқ бор. Булар: *гафлат, шак, ширк, рағбат, раҳбат* (ҳадик, кўркув), *шаҳват ва газаб*” [4.314 б]. Олимнинг нафс борасидаги қарашларида илмийлик билан бирга ҳикмат нуқтаи назари билан ёндашганлиги нафснинг моҳиятини янада теранроқ тушунишга имкон яратади. Олим нафсни фитратидаги хулқларнинг сонини етти рақами билан кўрсатганлиги ҳикматини унинг етти дўзах билан боғлиқлиги мисолида талқин этган. У кишининг фикрича кимки юқоридаги ахлоқлар билан хулқланган ҳолда вафот топса шу хулққа мансуб бўлган эшикдан дўзахга ташланади [4.134 б]. Шунини унитмаслик керакки, Ҳаким Термизийнинг юқоридаги хулқлар ҳақидаги ҳукмий фикрлари “худудуллоҳ”дан яъни Аллоҳ таоло белгилаб берган ҳаддан ошган нафсларга оиддир, чегарадан чиқмаганга эмас. Биз юқоридаги етти хулқ ҳақида мақоламиз давомида батафсилроқ ёритишга ҳаракат қиламиз. Кейинги аср олимларидан Имом Ғаззолий (1058-1111) ўзларининг “Кимёи саодат” асарида нафснинг фитратини унинг туғма инстинкларига боғлаб уч муҳим таркибий қисмга, яъни *шаҳват, газаб ва ҳасад* [7.339 б] га ажратиб ўрганган бўлса, Муҳаммад Зоҳид Қутку Бурсавий эса ўзининг “Нафс нимадир” номли китобида нафснинг табиий фитратидаги хулқларни нафси амморанинг сифатлари сифатида санаб, уларни ўн икки муҳим хусусиятга ажратган. Булар: “1. *Куфр*. 2. *Ширк*. 3.

Ғафлат. 4. Жаҳолат. 5. Гуноҳларга шўнғимоқ. 6. Кибр. 7. Ҳирс. 8. Бухл (бахиллик). 9. Ғазаб. 10. Ҳасад. 11. Нафрат. 12. Шаҳват” [9.30 b]. Тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққулов “Нафс ва нафс мартабалари” мақоласида нафси амморанинг сифатларини “ширк, куфр, жаҳл, ғафлат, гуноҳи кабиралар, кибр, ҳирс, бахиллик, шаҳват, ғазаб, ҳасад ва кин-адоват” каби ўн икки хил эканлигини қайд этган [13.160 b]. Ғарб психоанализми вакили Зигмунд Фрейд нафсни тадқиқ этаркан унинг таркибини фақат битта яъни “Ид –шаҳват” дан иборат дея тадқиқ этган [12.22 b]. Замонавий олимлардан Шайх Аҳмад Ибн Муҳаммад Абдуллоҳ (1952 й) “Ахлоқ ус-солиҳийн” (Яхшилар ахлоқи) китобида нафс фитратига хулқларни унинг сифатлари дея атаб уларни иккига: ҳаво ва ғазаб сингари асфотларга ажратган [14.312 b]. Қуръони каримда эса юқоридаги етти хулқдан ташқари нафсга оид яна бир неча: куфр, жаҳл, хоин, кибр, риё, ҳирс, бухл (бахиллик), жосуслик, ҳасад, зулм, гурур, ғийбат, фисқ-фужур, исён, тугён, мунофиқлик, тамаъ, ношукрлик, хусумат, ёлгон, фаҳш, фасод, тажовуз қилувчи, зонн-гумон, масхара, адоват, лаганбардорлик, жафо, журм-жиноятчи, фитначи, гуноҳга интилувчи, зино каби жами 40 та катта хулқлар тўғрисида маълумотлар келтирилган [1. Қуръон карим. Куфр - Бақара – 161 ва бошқа оятлар. Жаҳл - Аҳқоф -23. Хоин- Ғофир – 19. Ҳаж – 38. Кибр - Бақара – 34.Муддассир -23. Риё - Нисо – 38. Ҳирс - Бақара – 96, Тавба - 128. Бухл - Ҳашр – 9. Табоғун -16. Бахиллик ва ҳасад ҳақида. Жосуслик - Ҳужурот -12. Ҳасад - Бақара – 109-110. Фалақ – 5.Зулм - Аҳқоф -10, Зухруф -76. Гурур - Исро – 64, Мулк – 20. Ғийбат - Ҳужурот -12. Нафснинг ғийбати, гумони ва жосуслиги ҳақидаги оятлар.Фисқ-фужур - Қиёмат – 5. Исён - Ҳужурот -7.Тугён - Набаъ - 22.Мунофиқлик - Фатҳ – 11. Тамаъ - Муддассир – 15.Ношукрлик - Вал адият – 6. Хусумат - Бақара – 204. Ёсин – 49-77. Наҳл – 4.Ёлгон - Зухруф -19-20. Наҳл – 105. Фаҳш - Шўро – 37.Фасод - Бақара – 205.Тажовуз - Анъом -119. Зонн - Жосия-24 Масхара - Ҳужурот-11 Журм-жиноятчи - Қамар -47. Фитначи - Ҳадид -14. Гуноҳга интилувчи - Қалам -12. Зино - Фурқон -68.]. Нафс фитратига доир тушунча ва фикрларни умумлаштирган ҳолда уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1.Нафснинг ҳақиқий фитратига қўйилган хулқлар;
- 2.Унинг ҳавосидан суний ҳосил бўлувчи хулқлар.

Нафснинг фитратига қўйилган асосий туғма хулқларни қуйидаги шаклда янада яққолроқ кўрсатиш мумкин:



Демак, бундан кўринадики Ҳаким Термизийнинг таснифи “Бу фитрат Аллоҳ одамларни яратган асл фитратдир” [1:29-30.] оятининг ҳукмига мувофиқ тасниф этилгани боис у туғма фитрат ҳисобланади. Ушбу хулқлар нафс зоти учун зарурат ҳамда унинг табиий талабига кўра қўйилган бўлиб, улардан унинг табиий ўсиши, ривожланишини, умуман, унинг шахс сифатида юксалишига оид барча эҳтиёжларни таъминлаш назарда тутилган. Иккинчи зикр этилган хулқлар эса нафснинг ҳаволанишидан ҳосил бўладиган сунъий хулқлар бўлиб, улар инсонни тубанлик-пастликка кулашига туртки сифатида қўйилган бўлиб, улар ҳам мазаммат қилинган, ҳам гуноҳи кабир саналган.

Кибр, тамаъ, исён, ваҳм, васваса, ҳирс, риё ва бошқа қатор хусусиятлар ҳаводан туғиладиган хулқлар ҳисобланади. Бунга сабаб улар юқоридаги хулқлардан ўсиб чиқишидир. Зеро, ҳирс, тамаъ каби хусусиятлар шахватдан униб чиқса, ваҳима, исён каби хусусиятлар ғафлатдан пайдо бўлади. Бу эса нафснинг ҳаволанишини нақадар ёмонлиги ва ёвузликни туғуб кўпайтирувчи “умму шарр” эканлигини кўрсатади. Ушбу тушунчаларни жадвалда қуйидагича тасниф этиш мумкин:

Нафс			Ҳаво (ҳавойи нафс)	
Туғма фитрат	Фойда	зарар	Ўрчиган (сунъий) хусусият	
			тўлик зарар	
<i>ғафлат</i>	+	–	<i>куфр</i>	–
<i>шак</i>	+	–	<i>кибр</i>	–
<i>ширк</i>	+	–	<i>ҳирс</i>	–
<i>рағбат</i>	+	–	<i>тамаъ</i>	–
<i>раҳбат</i>	+	–	<i>риё</i>	–
<i>шаҳват</i>	+	–	<i>ҳасад</i>	–
<i>ғазаб</i>	+	–	<i>бахиллик</i>	–

Нафснинг бирламчи асосий хулқларидан бири – бу *ғафлат*. Ғафлат куфр билан жуда яқин маънода бўлишига қарамадан улар ўртасида фарқ бор. Шу боис Ҳаким Термизий уни номини фитратда келтирмаган ва, қолаверса, куфр пардаси ва ғафлат пардасини орасини ажратиб, фарқини тушунтирган. Олимни куфрни келтирмаганлигини яна бир сабаби Қуръони карим ғафлатни куфр деб атаганлигидир. Бинбарин, Анъом сурасининг 1-3 оятларида ғафлат жаноби Ҳақдан юз ўгириш, ундан келаётган нарсани ёпиш дея таъкидланган [Анбиё – 1-2.]. Мўминун сурасининг 57-61 оятларидан ҳам ғафлат куфр эканлиги, ғафлат билан кофир бўлган кимсада куфрдан бошқа яна қатор нопок амаллари яъни оғир гуноҳлари борлиги ҳам айтиб ўтилган: “...**Балки кофирларнинг диллари шу хил инкор қилишларидан ғафлатга ботгандир. Ваҳоланки, уларнинг куфридан бошқа ҳам нопок амаллари бордир.** Улар ҳамиша шу амалларни қиладилар” [Мўминун 57-61.]. Куфр сўзи луғатда иймоннинг зидди бўлиб, “ёпмоқ”, “кузатмоқ”, “яшириб сақламоқ” маъноларини ифодалайди. Иймонсизга кофир дейилишининг асл сабаби – ҳақнинг устини ёпиб, ҳақиқатни яшириб сақлагани учундир. “Куфр – Аллоҳ таолонинг илоҳий ваҳдонияти

ва сифати улухиясини, жаноб Пайғамбаримиз (с,а.в.) нинг рисолатини ёки шариатини, ислом дини ақидасини инкор қилишдан иборатдир” [9.31 б].

Куфр ҳақида Қуръоннинг Бақара-88-89-109-110-161-171, Шўро – 48, Зухруф – 24-30, Жосия-11, Ахқоф- 34, Муҳаммад-11-12, Хужурот -7, Ваттур -47 ва бошқа кўплаб сураларда куфр ва унинг фоили бўлмиш кофирлар ҳақида муфассал маълумотлар баён қилинган. Хусусан, Ҳаж сурасининг 66 оятида инсоннинг куфрни яхши кўришлиги ва бу билан яратгувчисига ўта ношукр бўлишлиги баён қилинган: “...**Лекин инсон доим Худога куфрон қилувчи ношукрдир**” [Ҳаж - 66]. Муҳаммад Зоҳид Қутқу ўзининг “Нафс нимадир?” китобида куфрни тўрт хил эканлигини қайд этган: 1. Куфри инкорий; 2. Куфри мужаррадий; 3. Куфри инодий; 4. Куфри нифоқий. Мутасаввуфнинг қайд этишича **куфри инкорий** Жаноби Ҳақ таолони билмасдан иқрор бўлиш ва Унинг борлигини эътироф этмасликдан иборат. **Куфри мужаррадий** эса Аллоҳ таолони билгани ҳолда тили билан иқрор бўлмаслик бўлиб, у шайтоннинг куфрига ўхшайди. **Куфри инодий** қалби билан билиб, тили билан иқрор бўлади, аммо ҳасади туфайли Ислом динига бўйин эгмайди. Бу эса худди Абу Жаҳлнинг куфрига ўхшайди. **Куфри нифоқий** эса тили билан иқрор қилиб, қалби билан ишонмайдиган нафсдир [9.31 б]. Ғафлатни Ҳаким Термизий ҳаводан туғиладиган ҳодиса сифатида қараб, унинг иши банда ва Аллоҳ таолонинг ўртасига парда ҳосил қилиб, улар орасини тўсишдан иборат дея изоҳлайди [4.147 б]. Яссавий ғафлатни тасвир этаркан, уни ел-ҳавога ўхшатади. Чунки ғафлат – бу беҳабарлик, тўсилиб қолиш, уйку, ўтказиб юборишдир. Умр – вақт. Вақт тез ўтувчи бўлганлиги боис ҳам уни шоир елга ташбеҳ қилган. Елда тезлик, чопқирлик, булут каби босиб олиш, босимидан кўз очишга кўймаслик, зулматли пардалар билан ёпишсингари хусусиятлари ўхшатишга асос бўлган.

Шунинг учун шоир ғофил кишига насиҳат қилиб умрни ғафлатда яъни ҳавойи нафсни хоҳиши билан ўтказма дея насиҳат қилади. Шоирнинг “*Аё ғофил, умринг ўтар билсанг елдек, ёки ғафлат билан умринг сени ўтар, билгил*”. “*Ғофилликда юрур эрдинг итдек шошиб...*”, “*Эй беҳабар, ғафлат бирлан уйқудасан, Дунё тилаб кеча кундуз қайғудасан.*”, “*Ғофиллардин Худо, расул безор бўлур*”, “*Эссиз умрин ғофил кечрур ҳаргис тўймас*” “*Қул Хожя Аҳмад, кечти умринг, ғофил бўлма, Нафсинг сўзин қилибон ботил юрма*” каби таъкидларида нафс фитратидаги ғафлат ва ундан туғиладиган ёмон ҳолларни тасвирлаган.

Ғафлат ва куфрни қалб учун икки тўсиқ, дейди Ҳаким Термизий ва ғафлат пардасини куфрнинг зулматидан ҳам зарарли эканлигини таъкидлайди: “*Қалб учун икки тўсиқ, парда бор: куфр зулматининг ўраши. Агар бу ўраш кетса, у билан олий Парвардигори ўртасида бошқа бир тўсиқ – парда қолади. Ана шу уни ғофил қилади ва униттиради. Ана ўша “ғафлат” деб номланган нарса*” [4.147 б]. Шунинг учун Аҳмад Яссавий нафси амморани кофир, ғофил сифатида таърифлайди ва унинг куфри-ғафлати муриднинг жон-руҳини, қалбини ўлдирувчи хулқ-офат эканлигини алоҳида урғулайди.

Куфр канча ривож топса, нафснинг қуввати, тириклиги шу даражада кучайиб бораверади дейди шоир:

*Жоним¹ ўлгон, дилим ўлгон, нафс тирилгон,
Аллоҳ десам кофир нафсим ўлармикан? [10.201 б].*

Ҳаёт инсонга, хусусан, иймон келтирган кишига Аллоҳ таоло томонидан берилган улкан неъмат эканлиги айтиш ҳақиқат. Аммо, нафсдаги куфр ана шу ҳалол неъматни тўсади, беркитади. Шунинг учун у доим маломат қилинган. *Нафснинг галаёни*, – деб ёзади Ҳаким Термизий, – *ҳалол неъматларни тўсувчи пардадир, қалбнинг кураши эса ҳалол неъматларни тўсувчи пардани йиртишидир* [11.8 б]. Ботин кўзи қалбнинг ичидаги фуада бўлганлиги сабаб инсон қачон ана шу ички кўзларини ёпиб қўйган куфр кирларини зикр сувлари билан ювса, тозаласа у ҳақиқатни-неъматни кўра бошлайди. Агар ички кўзларини покламасдан зоҳир кўзи билан қарашда давом этса умр моҳиятини англамасдан ўтиб кетиши мумкин. Ботин кўзи очилмаган кишининг ҳолини Яссавий ғафлат дея талқин этган:

*Зоҳир неъмат ташаккурин гофил билмас,
Ботин доғин қиёс бирла айтиб бўлмас,
Зоҳир кўзи ғафлат бирла боқиб кўрмас,
Ботин кўзин очар бўлса кўрар, дўстлар [10.81 б].*

Ғафлат – уйқу, унутиш, қоронғулик, ўйин-кулги, узун-узун орзулардир. Ғафлатни фитрат сифатида қўйилишидан мақсад, биринчидан, инсоннинг вужудига дам бериши, жасадининг ўсиб, ривожланиши бўлса, иккинчидан у Нур (Аллоҳ таоло) ни топиши, таниши, билиши учундир. Бинобарин, ҳар бир нарсанинг сифати унинг зидди орқали аниқлангани каби нурнинг юзага чиқиши учун ҳам қоронғулик (ғафлат) талаб этилади.

Ғафлатдан мурод уни аритмоқ, кетказмоқ бўлиб, агар у бўлмаса унда ушбу амал ҳам бўлмайди. Бошқача айтганда нафснинг туб хизмати ана шу башарий сифат бўлмиш гофилликни ўздан сидириб йўқ қилмоқлик ҳамда огоҳлик мақомига кўтарилишидир. Шу боис у фитратга табиий қўйилган хилқатдир. Ғафлатнинг ижобий хусусиятларидан бири тўғрисида, - “*Агар ғафлат бўлмаганда эди, шубҳасиз сиддиқлар Аллоҳни зикр қилиши шавқидан ҳалок бўлардилар*”, дейди Абу Ҳамза Бағдодий (қ.с) [15.77 б].

Шак – бу нафснинг энг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у инсонни иймондан чиқаришга шайтоннинг лашкаридир. Шак сўзи луғатда ишонмаслик, шубҳаланиш, гумонсираш маъноларини англатади. [5.358 б]. Истилоҳда эса Воҳид бўлган зотнинг ваҳдониятига, унинг мавжудлиги, унинг буюрган амрларига, пайғамбарларига ҳамда динига ишонишликда шубҳага боришидир. Қуръони каримнинг Юнус-104, Духон – 9-50, Ҳужурот -12, Ваннажм -29, Намл – 16, Сабаъа -54, Сод -8, Ғофур -34, фуссилот-54 сураларида шак кофирларнинг асосий асфотидан бири сифатида талқин қилинган.

Хусусан, Духон сурасининг 9-оятда кофирларнинг ўлгандан кейин қайта тирилишга нисбатан шак қилганликлари воқиалари баён қилинган: “**...Лекин кофирлар тирилишларига ишонмайдилар, ҳамиша гумон (шак) дадирлар. Балки Қуръонга истехзо қиладилар**” [Духон - 9]. Шу суранинг 50 оятида эса шак ҳақиқатни инкор этишлик маъносида қўлланилган. Шакнинг пайдо бўлишини Ҳаким Термизий ўзининг “Адабун нафс” асарида нафсдаги шаҳватнинг кучайиши ва ундаги ҳавонинг қалбдаги яқийнга

¹Жон сўзи бу ерда руҳ маъносида келган.

зулмат ташлаши билан содир бўлади дея тушунтиради: “Агар нафс шаҳват оловлари билан қувватланса, қалбдаги нурлар заифлашади. Ҳаво яқийнга зулмат таилайди. Бу офатлардан қалбда шак тугилади. Сўнг бу офатлар қалб устидан золиб келади” [4.110 б].

Тарихчи, диншунос ва Термизийшунос олим Жўрабек Чўтматов шак истилоҳига яқин тушунчасни зид қўяди ва унинг моҳияти ана шу яқин тушунчаси билан англанишини таъкидлайди [4.185 б]. Демак, яқин тушунчасини тушунишимиз учун ҳам унинг зидди бўлган шак керак. Қолаверса шак-гумоннинг яхши томонга бўлган таъвил сифатида ҳам ишлатиш мумкин. Бундан ташқари шак шайтон ва нафснинг васвасасига нисбатан ишлатилса солиққа фойда бериши мумкин. Мисол учун васваса келганда унга эргашмасдан ёмон ният бўлиши мумкин дея шак қилиш ўша васвасадан айрилишга кўмак бериши мумкин. Девондаги мана бу ҳикматда лирик қаҳрамон ўзини шак каби иллатдан холи қилишга уринаётганлиги тўғрисидаги муножотлари акс этган:

Ҳеч шақим йўқ ерда, кўкда сенсан Қодир,

Гумоним йўқ бу сўзимда ўзинг Ҳозир,

Ҳам яккасан, яғонасан бешак Нозир,

Қўлим тутиб йўлга солгил, антал-Ҳодий [10.207 б].

Ширк тартиб бўйича нафснинг шакдан кейин турувчи фитратий хулқларидан бири.

Ширк луғатда шерик бўлмоқ, биргалашмоқ, муштараклик, тўр, тузоқ, қопқон [5.350 б]. каби маъноларни англатса, диний-тасаввуфий атама сифатида эса Аллоҳ таолога шерик келтириш, бошқача айтганда ундан бошқа нарсани “илоҳ” қилиб олишдир. Қуръоннинг Исро-39, Ҳаж-12-13-30-31, Анкабут-65-, Рум-28-35-40, Луқмон-13, шўро-21, Аҳқоф-4, Қоф-26, Ваттур-43, Саф-7 ва бошқа сураларда ширк ҳақида маълумотлар келтирилган.

Инсонларни Аллоҳ таолони яратганлиги, кейин эса уларни ўлдириши ва яна уларни тирилтириб ҳаёт беришлиги ҳақидаги тафсилотлар Рум сурасининг 40-41 оятларида келтирилади. Оят давомида мушрикларнинг ўзлари “илоҳ” яъни шерик қилиб олган нарсалари улар учун ҳаёт бериш, ризқ улашиш, ўлдириш, қайта тирилтириш каби ишларни бажара олмаслиги таъкидланиб, улар ўзларига “худо” қилиб олган ўша сохта “илоҳ”ларининг асл башараси фош этиб ташланади ҳамда Илоҳ яғона Илоҳ эканлиги ва унинг шериги бўлмаслиги таъкидланган: “Аллоҳ таоло сизларни халқ қилди. Сўнгра сизларга ризқ берди. Кейин умрларингиз тамом бўлганда ўлдиради. Сўнгра сизларга яна ҳаёт беради. Энди, эй мушриклар, айтинглар-чи, сизларнинг Менга шерик қилган “худо”ларингизнинг бирортаси сизлар учун шундай ишларни қилишга қудратлари борми?” [Рум-40-41]. Ҳаким Термизий ширк тушунчасини шундай изоҳлаган: “*Ширк – бир нарсага боғланиб қолишдир. У овда ишлатиладиган “шарак” – овчининг тўри, тузоғи сўзидан олинган. Мушрикларнинг қалби бутларга боғланган. Шундай боғлаганки, улар Аллоҳ эмас, ана шу бутлар уларга фойда ва зарар келтиради, деб ўйлайдилар*” [8. 15 б].

Ширк икки хил: кўринадиган ширк ва кўринмас яширин ширкларга бўлинади. Буни зоҳирий ва ботиний ширк деб ҳам аташ мумкин. Кўринадиган ширк – бу очикча Илоҳ иккита ёки ўнта ёхуд кўп, унинг аёли, боласи ҳамда шериклари бор дея эътироф этишдир.

Бошқача айтганда унга бирор бир шерик келтириш. Бу эътиқод қадим Юнонистонда, Ҳиндистон ва дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатлари халқларида ривожланиб, уларнинг

хаёти ва адабиётига сингиб кетган. Яширин ширк эса асли ҳавода бўлиб, у ўзида йўқ нарсани бор дея даъво қилишдир. Нафсдаги кибр, риё, ёлғон ва бошқа сифатлар ширк ҳисобланган. Мисол учун кибр ўзини бошқалардан устун қўйиш орқали “илоҳ”ликни даъво қилиш бўлиб, нафс ўз эгасини ана шу хулқи орқали яширин ширк келтиришга олиб боради.

Ширкнинг ботиндаги ҳақиқати – бу инсон ўз хоҳишини “илоҳ” даражасига кўтариши ва унга хизмат қилишидир. Бу ҳол эса ботинда суний “илоҳ”ни ҳосил қилиш бўлиб, ана шу ҳодиса ботинда айнан оламлар Роббисига шерик келтириш ҳисобланади.

Нафс ўзи хизмат-ибодат учун яратилгани ҳолда оламларни ўзига итоат этишини, барча нарса унинг измида бўлишини истайди. Нафс ҳавосидан содир бўладиган ушбу хоҳишлардан буткул ўзилиш, унинг даъволаридан воз кечиш йўли билан нафсдаги ширк иллатидан қутулиш мумкин. Шайтоннинг асосий мақсади инсондаги жавҳар бўлмай иймонни ўғирлаш. Бу ишда нафс ўзи билмаган ҳолда шайтонга шериклашади ва эгасини ҳалокатга етаклайди. Ширк келтирган кишининг иймонини шайтон олиб қўяди. Шу боис тасаввуф шеърляти ширк ва риёни маломат этган: “*Муширларни имонини шайтон олди...*”, *Дарвиш бўлсанг тоат қилгил, қилма риё, Ҳар гўшада тоат қилсанг Тангрим гувоҳ* [10.110 б]. Яссавий риёни ҳаво унсури туғиб кўпайтиришига алоҳида аҳамият қаратганҳамда у ширк эканлигини қуйидаги ҳикматида тасвирлаган.

*Охирзамон шайхлар иши ҳама риё,
Рўзи маҳшар риёлари бўлгай гувоҳ,
Шайхман тею мунча риё, мунча ҳаво,
Аллоҳ учун зарра савоб қилғони йўқ* [10.60 б].

Рағбат – бу нафснинг илҳоми, ўз-ўзини мукофотлаши, тақдирлашидир. Рағбат луғатда хоҳиш, истак, ихтиёр, қизиқтирмақ, қизиқиш уйғотмоқ, мойил қилмоқ, рағбатлантирмақ, тарғиб қилмоқ ва муроғиб – ўзига тортувчи, жалб қилувчи, ҳавасни келтирувчи [5.257 б] маъноларини билдирса, истилоҳий маънода эса Аллоҳ таолодан узилган яъни ўз ҳолига ташлаб қўйилган нафсни ўзи майл қилган нарсани талаб қилишда ўз-ўзини рағбатлантириши, орзуга эришган вақтда кейинги ҳавас қилинган нарсага қараб кучли иштиёқ билан шўнғишига илҳом бериши ва бу истак йўлида ўз ихтиёрига кўра ҳаракат қилишидир. Нафс бир истагига етса дарҳол ўзидаги рағбат-фараҳ билан ўзини рағбатлантиради ва бу кейинги хоҳишга янада чуқурроқ шўнғишга имкони яратади. Бу эса нафснинг ҳақиқий фасодидир. Бундай нафсга “**Худодан кўрк, фасод қилма**”, – **деб айтилса, унинг жоҳил ҳамияти** (кибру ҳавоси, жоҳил нафси) **яна гуноҳ қилишга тарғиб²қилади**” [Бақара – 206]:

Амалсизлар қаҳ-қаҳ қулуб хуррам юрур... [10.56 б].
Фисқу фужур ҳосили, гуноҳлардин ҳуркмаслар... [10.91 б].
*Булҳаваслар ошиқман деб кўб лоф урар,
Бехабарлар қойда борса дўкон тузор,*

² Тарғиб сўзи қизиқтирмақ, рағбатлантирмақ маъносида бўлиб рағбат сўзи билан бир ўзакдан ясалган. Қуръони каримда шу оятда қўлланган.

*Ёлгон айтиб, бу дунёнинг даврин сурор,
Дунё излаб поёнига етгони йўқ [10.62 b].*

Раҳбат ҳам нафснинг энг муҳим хусусиятидан бири бўлиб, у унинг ичига жойлаштирилган хулқдир. Раҳбат луғатда хавф, кўрқув, ҳадик, ваҳимага солиш, даҳшатга тушиш, таҳдид қилмоқ маъноларини ифодалайди [5.269 b]. Аслида эса Аллоҳ таолодан ўзилиб, дунё ҳаётини касб қилиб, ўз-ўзича ҳаракат қилаётган нафсни ризқ ва оч қолиб кетишдан, ўзи қилиб қўйган узундан-узун орзуларга етолмай қолишидан, умри тугаб ўлиб қолишдан туғиладиган ваҳимали қурқувидир. Нафс ўзидаги раҳбати билан Яратгувчисининг азобидан, иқобидан кўркмайди, бироқ лаззатини узилиб қолишидан яъни ўлимдан кўрқади. Ана шу нафс раҳбатидир. Негаки, нафс кўр ҳолатда яратилган бўлиб, у ўзини ўзи мустақил бошқара олмайди. Мана шу ҳақиқатни нафслар умуман тан олмайди. Бу эса баайни ҳақиқат бўлиб, нафсларда ўз-ўзини таниш – маърифат илмини, яъни *ал илму биллаҳ*нинг йўқлигидир. Бу илм инсон қалбига берилган нарса бўлиб, қалбига итоат этмаган нафс ҳеч қачон (нафс Роббисини қалб кўзлари орқали танийди – 3.Я) бу мартабага кўратила олмайди. Бироқ у ўз ҳолича ўзини бошқаришни яъни якка ҳокимиятни хоҳлайди, аммо, аслида у Аллоҳ таоло (қалб)га боғланмаса ўз-ўзини идора қила олмайди. Унинг кўр ҳолда яратилгани мана бу ҳадисдаифода этилган: **“Албатта, Аллоҳ таоло халқни зулматда яратди. Сўнгра уларга нуруни сочди”** [4.142 b]. Нафсдаги бу кўрқув хулқи асли хошят – кўрқув билан алмашиши лозим.Зеро, ундан исталган нарса ўзи шу бўлиб, нафс ўз орзуларини унинг ўзини яратган Роббиси хоҳишига мос равишда алмаштиришидир. Мана шу энг катта ҳақиқат. Аллоҳ таоло нафсдан ана шуни ирода қилган. Кўрқув – раҳбатнинг асли эса тасаввуфда муриднинг Аллоҳ таолодан қурқуви сифатида қаралиб, у хавф мақоми саналган. Чунки барча амалларнинг ва ишларнинг боши ҳам, охири ҳам Худодан кўркиш билан бошланиши барча мутасаввуфлар томонидан эътироф этилган. Бу мақом тўғрисида келган машҳур ҳадислардан бирида шундай дейилган. **“Бутун ҳикматларнинг боши Аллоҳ таолодан кўрқувдадир”**. [8.46 b].

Ҳакимия, ясавия, кубровия, нақшбандия ва Ўрта Осиёдаги бошқа тариқатларда хавф энг охирги яъни муқарраблик мақомидан олдинги мақом сифатида қаралган. Ҳаким Термизий бу мақомни Аллоҳ таоло Қуръонда ўзи зикр қилган дея уқтиради ва фикрини куйидаги оят билан изоҳлайди: **“Албатта, Парвардигорларидан кўркиб, хавфда турувчилар”** [8.40 b]. Ушбу мақом ҳолатлари манзараларини шоир шундай таърифлаган:

Қул Хожжа Аҳмад, бу йўлларни осон билма,


Ҳақ раҳмати бисёр этиб мағрур бўлма.

Хавфу ражо ичра турғил, кўнгил қўйма,

Қаҳр ичинда лутфин англаб юрмасмусан [10.302 b].

Шаҳват – бу нафснинг энг муҳим белгиси ҳисобланиб, у ҳақидаги илк маълумотлар Қуръоннинг Оли имрон -14, Нисо-27, Аъроф -81, Марям-59, Намл -55 сураларида келтирилади. Хусусан, Оли Имрон сурасининг ўн тўртинчи оятида шаҳват турлари муфассал келтирилган. Оятда шаҳват турларга бўлиниб, унинг лаззатларининсон ҳаётидагиўрнига қараб маълум тартиб билан зикр қилинган. Аёллар, фарзандлар, инсонлар

томонидан кўплаб йиғиладиган олтин-кумушлар, чиройли отлар, турли ҳайвонлар ва ўсимлигу зироатлардан иборат бўлган шаҳватларга ажратилган:



Бу нарсаларга инсон нафсини ўта мойил-муҳаббатли қилиб қўйилганлиги эса унинг синов учун атайлаб шундай қилинганлиги билан изоҳланган [Оли Имрон -14]. Шаҳват сўзи араб луғатида кучли истак, эҳтирос, майл, шаҳвоний ҳирс, умуман, инсон нафси ва танасини лаззат талабида кучли иштиёқ билан қиладиган хоҳиши маъноларини англатади [5.365 b]. Тилшунос олим Алибек Рустамов шаҳватни ҳайвонни бирор манфаат ёки лаззатга интиштирувчи куч деб атайди [6.29 b]. Абу Ҳомид Ғаззолий шаҳватни ейиш, ичиш, жимо қилмоқ, озор етказмоқ каби хоҳишларнинг манбаидеи ва бу хусусиятлар тўрт оёқли ҳайвонларда ҳам борлигини айтиб, шу сифатлардан юксала олмаган инсон ҳайвон билан тенг мақомда эканлигини ёзади [7.39 b]. Ҳаким Термизийнинг шаҳват моҳиятини ҳаво унсури билан боғлаб ўрганиши унинг туб негизини тушунишда алоҳида аҳамиятга эга. У кишининг таъбирича шаҳват дўзахдаги оловдан яратилган бўлиб, унинг асли қалб ва ўпканинг орасида жойлашган томирда эсадиган ҳарир ҳаво-елдир: “Сўнгра қалб ва ўпканинг орасида нозик, ингичка томирни яратиб, унда тез эсувчи шаффоф, ҳарир ел бор ва у томирларда қон билан қўшилиб оқади. Бу ел эса асли дўзах эшигидан бўлиб, жаҳаннам ўтидан яралган. Унга Аллоҳнинг султони ва ғазаби етса, у худди жаҳаннам қорайгандек қораяди, балки у дўзах ўша билан ўралган ёлқинли ўтдир. Фараҳ ва зийнатлар ичига мана шу оладан қўйилган. Уни “шаҳват” деб номлади. Унинг “шаҳват” деб номланиши сабаби нафс унга эҳтишош қилади, яъни иштаҳа қилади. Энди қачонки бу ел шу томирдан бирор нарсанинг зикрини намоиши қилиши учун эсса, нафс уни сезади ва ўша билан ҳис қилади.

Нафсдаги ҳароратли олов (шаҳват) шу ел билан алангаланеди” [4.254-255 b]. Ҳаким Термизийнинг таъкидлашича томирлар бутун танани сочдан оёққа қадар қоплаб олган.

Қачонки ҳаво зийнат ва фараҳлардан иборат шаҳватларни олиб келганда бу хурсандчилик томирларга ўтсаю нафс унинг танага кириши ва тарқалишидан лаззат ола бошласа, шунда нафс лаззатга тўлади ҳамда ушбу нарсага эҳтишош қилади. Мана шу унинг

шаҳват ва лаззатидир. Қачонки бутун танага ёйилган бу шаҳват ва лаззат нафсга ўрнашса, бу шаҳват қалб учун ҳавойи орзу-ҳавас, армон ёхуд юҳога айланади. Булар шаҳватнинг галабаси ва қайнашидандир. Қачонки шаҳват қайнаса, қалб устидан ғолиб чиқади.

Натижада қалб ҳам ҳавойи орзуларга берилиб, юҳога айланади. Шунда нафс бутун баданни эгаллаб унда ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Нафс шаҳватининг ёпиштирилган жойи инсон қорни ва ичакларидир [4.256-257 б]. Нафс ишининг ҳикматини теран тушунган Яссавий баъзи ҳикматларида аҳли аёлидан кечиш, фарзандлар муҳаббатидан қочиш каби мавзулар ҳақида ёзганлари инсонни таажжублантириши табиий. Бунинг моҳиятини асли шаҳватлардан ўз-ўзини тийишга қаратилган мужоҳада дея тушунилиши лозим. Яссавий “*Аҳли аёл, хонумоним ганим билсам*”, “*Аллоҳ учун ўғил-қизим етим қилсам, Жондин кечиб, молдин кечиб, гариб бўлсам*”, “*Аҳли аёл хонумондан пок кечурса*”, “*Аҳли аёл, ўғул-қиз деб умрим ўтти*” каби сатрларида айнан шаҳват ва унинг ҳаддан ошган хоҳишларини тарк этишни назарда тутган ҳамда ўшалардан қутулишни ўйлаган. Чунки сўфийлар шаҳватни ҳаромидан буткул қутулиш учун ҳалолдан ҳам воз кечиш услубини қўллаган. Лекин бу билан аҳли аёл, болаларнинг ҳақлари зое қилинмаганликларини ҳам ёдда тутиш мақсадга мувофиқ. Кўп ейишлик билан инсон танасида шаҳватни кучайиши унинг қалбини қотиши, кўр бўлишига олиб келади. Қотиб қолган қалб қиёфасини Яссавий “Тош” образи орқали ифодалаган. Ташбеҳга асос қаттиқлик сифати бўлиб, шоир шу сўз воситасида иккала объектдаги ҳолатни яққол тасвирлашга муваффақ бўлган. Бундай кимсаларни эса беҳабар яъни ғофил дея атайди шоир. Сўфий шоир наздида дунё шаҳватларни ўзида жамлаган ёш келин мисол. Шайтон эса шаҳватларни зийнатлаш, безаш билан солиқни дунё келинига қизиқтириб қўйган. Бу билан “беҳабар” уқбо-охират амалларини қўйиб яқин бўлган дунё шаҳватларини қувгани қувган. Бундай кимсаларни шоир зоҳиран одам, ичи эса бутунлай шайтон дея ёзади.

*Тошдин қоттиқ тошни сўрсанг беҳабарлар,
Уқбо ишин орқа тошлаб дунё излар.*

*Оят, ҳадис баён қилсанг қоттиқ сўзлар,
Зоҳир одам ботинлари шайтон бўлур [10.105 б].*

Ғазаб ҳам нафснинг энг йирик хулқларидан биридир. Қуръоннинг Оли имрон - 134, Нисо-93, Шўро -16-36-37, Зухруф -17, Аҳқоф -23 оятларида ғазаб ҳақида баёнлар бор.

Ғазаб нафснинг фитратий таркибидаги хусусияти бўлиб, унинг амали Худо рози бўлмайдиган ишни кўрганда юзага чиқишидир. Бу ҳолда у иймонга хизматчи бўлади. Агар ғазаб Худо рози бўлмайдиган ишлар учун зоҳир бўладиган бўлса у ҳолда у нафсдан содир бўлади. Ҳаким Термизий кибрни ғазабнинг асл илдизи деб қарайди. Қачонки у нафс Аллоҳ таоло ўз халқига одамзодни ҳоким қилганини сезган вақтида, бу кибр унда қолиб кетди, дейди [4.258 б]. Юқоридаги хулқларнинг дўзах эшикларига махсусланганлиги мана бу ғазаб тўғрисидаги ҳадисда ҳам ўз ифодасини топган: “*Дўзахнинг бир эшиги бўлиб, фақат ғазаби Аллоҳ таолонинг ғазабига йўлиқтирганларгина ундан киради*” [4.134 б]. Кибр нафснинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, у ғазабдан юзага келади. Кибр шайтонни инсон нафсига ташлаган энг кичик кўринмас лўқмаси бўлиб, у ана шу кичик заррадек учқуни билан инсон қалбини ёндириб, кулга айлантириши мумкин. Кибрнинг зарраси ҳам ичда

Худоликни даъво қилишликни белгиси бўлиб, ва бу инсонни “Ла Илаҳа иллаллоҳ” калимасини инкор қилишга олиб боради. Бақара сурасининг 34 оятида кибр кофирликка олиб боровчи фоил эканлиги, Шайтон кибр қилиб Одамга сажда қилмаганлиги воқеалари тасвирланганлиги бунга ёрқин мисол [Бақара - 34]. Ҳакимул уммат Ашраф Али Таҳанавий кибрни инсонлар ўртасидаги ўзаро ихтилоф ва нафратнинг асоси дея таърифлайди [3.314 б]. Инсон менсимайдиган заррача кибр бутун бир жамиятдаги кишилар ўртасидаги ҳаққа доир муомалани бузиб, маданиятсизлик иллатларини туғиб кўпайтиради, инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий тараққиётига тўсқинлик қилади, одамларни ўз Роббисидан ажратиб қуяди, у учун асосий мақсад бўлган жаннатдан уни мосуво этади. Бу маънонинг қуйидаги ҳадисда кескин таъкидланганлиги ана шундан: **“Жаннатга қалбида мисқол зарра миқдориди кибр бўлган кимса кирмайди”** [2.8 б]. Ҳакимул умма Ашраф Али Таҳанавийнинг хулосасича нафсоний фитратдаги Аллоҳ таоло жойлаб қўйган бу истеъдод, малака ва салоҳиятлар, хулқларнинг асл моҳияти шуки, агар инсон ундан ноўрин яъни Худо белгилаб қўйган ҳаддан (чегарадан) чиққан ҳолда фойдаланса унда бу малакалар гуноҳга восита бўлади ва инсонни ҳалок этади. Агар уни ўз ўрнида қўллаб ҳамда яхши ишларга сарфласа, инсонни юксак тараққийларга эришишига восита бўлади [3.93 б].

Ашраф Али Таҳанавийнинг Шайхул кабир Ҳазрат Имдодуллоҳ Маккийнинг қуйидаги сўзлари билан чиқарган хулосалари нафс фитратида қўйилган хулқларнинг туб моҳиятини очиб берган: *“Қалбдаги разил ишлар томон бўлган чақириқни йўқотиш мақсад эмас, балки ўша истакларни яхшиликлар ва ибодат томонга майил қилиш мақсаддир.*

Чунки газаб, шаҳват ва шу каби малака ва чақириқлар ўз зотида (аслида) ёмонланадиган нарса эмас. Шаҳват ҳалол нарсага сарфлансин. Фазаб қуввати эса шайтон ҳамда куфр қаршисига шилатилсин. Шунда у хислатлар инсонни олий даражаларга юксалтиради” [3.94 б].

Хулоса қилиб айтганда ушбу хулқ-малакалардан яхши ёки ёмон мақсадда фойдаланиш ҳар инсоннинг ақлию ихтиёрига ҳавола қилинган. Ушбу хулқ борасидаги масаланинг мураккаб томони шундаки юқоридаги ҳар бир хулқнинг ўзи катта бир мавзу бўлиб, илмда алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Шу боис [16:283] биз улар ҳақида қисқача ва умумлаштирилган маълумотлар келтириш билангина чекланамиз. Қисқа қилиб айтганда нафс фитратини билиш инсоннинг ички “мен”лигини билиш яъни ўзини таниш ҳақидаги илмдир. Бугунги глобал ҳаёт жараёнида инсон фитратини тўла англаш, табиатининг туб моҳиятига етиш энг долзарб масалалардан бирилигича қолмоқда. Шу боис бу соҳадаги илмларни янада чуқурроқ, янада кенгроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ишлардан деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. Баёнул фурқон фи таржиматил қуръон. Қуръони карим оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи: Шайх Муҳаммаджон мулло Рустам ўғли (Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний). Ҳозирги тилимизга табдил қилиб нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва қавс ичидаги изоҳлар муаллифи: Сайфиддин Сайфуллоҳ. – Тошкент: Мунир нашриёти, 2022. – 830 б.

2. Нўмон Абдулмажид, Даврон Нурмуҳаммад. Одоб-ахлоққа доир қирқ ҳадис [матн] / Даврон Нурмуҳаммад, Нўмон Абдулмажид. – Тошкент: “Азон китоблари”, 2022. – 84 б.
3. Мажолиси Ҳақимул-умма (Ҳазрат Ашраф Али Таҳанавий раҳимахуллоҳ суҳбатлари). Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Ёрқинжон Фозилов. – Тошкент: “Qamar media“ нашриёти., 2021.- 416 б.
4. Муҳаммад Ҳақим Термизий рисолалари. Таржимон: Ж.Чўтматов. – Тошкент: Мовороуннаҳр, 2017. – Б 440.
5. Ан-наъим-ул-кабир. Арабча-ўзбекча изоҳли луғат. Наманган давлат университети. – Наманган: Наманган, 2014. – Б. 708.
6. Рустамов Алибек. Сўз хусусида сўз. – Т., “Ёш гвардия”, 1987. – 160 б.
7. Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат: (Рух ҳақиқати). Тошкент, “Адолат”, 2005. 412 б.
8. Термизий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳақим. Мўминларнинг ибодатдаги даражалари (Манозилул ибод минал ибода) [матн] /Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳақим Термизий; таржимон: А.Шоший; Ўзбекистон мусулмонлар идораси. – Тошкент:“Мовороуннаҳр”, 2018. – 64 б.
9. Муҳаммад Зоҳид Қутку. Нафс нимадир?/ Т.: “Шарқ”, 2020. – 336 б.
10. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: Наврўз, 2018. 360 б.
11. Ал-Ҳақим Ат-Термизий. “Яширин масалалар” (“ал-Масоил ал-макнунa”) араб тилидан таржима ва сўз боши муаллифи М. Исмоилов. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази”, 2019. -216 б.
12. Зигмунд Фрейд. Психоанализ ҳақида бешта маъруза [Матн]:илмий / З.Фрейд; таржимон Х.Алимов. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2019. – 140 б.
13. Ҳаққул, Иброҳим. Ирфон ва идрок. – Т.: “Маънавият”, 1998. – 160 б.
14. Ахлоқ ус-солиҳийн (Яхшилар ахлоқи) [матн] / Шайх Аҳмад Ибн Муҳаммад Абдуллоҳ. – Тошкент: Azon kitoblari, 2020. – 312 б.
15. Навоий, Алишер. Насойимул муҳаббат мин шамойимил футувват: Ўзбекистон мумулмонлар идораси, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат шарқшунослик интитуту; илмий-танқидий матн асосида кирил ёзувига табдил, - Тошкент: “Movorounnahr”, 2017. – 576 б.
16. Sultonqulova, F. (2024). USMON AZIM IJODIDA XALQ QO'SHIQLARINI IFODA ETISH HAQIDA. Zamonaviy fan va tadqiqotlar, 3 (2), 282–285. <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/30754>